



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 1999 йил 11 август, чоршанба

• № 64 (11.147)

Эркин нарҳда сотилади

СЕРМАЗМУН кунлар

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** «Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида ўрнқ кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Бекобод шаҳар каратэ миллий федерацияси президенти Абдумов Абдумаллонов иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан, республика каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан тақдирландилар.

• Жиззах вилояти Мирзачўл туманининг қозоқ миллиятига мансуб бир гуруҳ зиёлилари республикада Президент Ислам Каримовга мактуб йўлладилар. «Сиз олиб бораётган одил ва оқилна сўбатнинг энг биринчи натижаси юртимизда қарор топган тинчлик, осовишталлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир», дейилади жумладан мактубда.

• Шу йил 7 август кун Тошкентда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан тузилган республика Маънавият ва Маърифат кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Маънавият ва Маърифат республика кенгашининг фаолият дастури, низоми қабул қилинди, кенгаш аъзолари сайланди.

Маънавият ва маърифат республика Кенгаши раиси элчи Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов, Кенгаш раиси ўринбосарлари элчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А. Зиё, Н. Жўраев, Кенгашнинг масъул котиби — Маънавият ва маърифат маркази раҳбари элчи Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори вазифасида ишлаб келган А. Болиев сайланди.

• Давлат Божхона қўмитаси хайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Марказий идора бошқарма ва бўлими бошлиқлари, ҳудудий божхона бошқармалари бошлиқлари иштирок этган йиғилишда ўтган ярим йиллик иш якуналари ҳамда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Вазирилар Маҳкамаси мажлисида сўзланган маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида давлат божхона қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.

• **Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасида** корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича янги тарихдаги ҳужумат комиссиясининг мажлисида ҳудудий комиссияларнинг, иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlарининг иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналар, шунингдек банкротлик белгилари бўлган корхоналарни санациялаш масалалари юзасидан ҳужумат қарорларини амалга оширишга доир ишлар кўриб чиқилди.


• **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган жаҳон** солиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақасий бюросининг мамлакатларда солиқни сақлашни ривожлантириш департаменти директори Жужана Якоб раҳбарлигидаги делегация аъзолари 9 август кун Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамасида ташриф буюриб, бу соҳада эришилаётган катта ютуқлар учун Ўзбекистон жаҳон солиқни сақлаш ташкилотининг юксак мукофотига сазовор бўлганини маълум қилди ва ушбу мукофотни топширди.

• **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хайъатининг** кенгайтирилган мажлиси ўлиб ўтди. Унда 1999 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетининг бажарилиши якуналари ҳамда республика молия органларининг Президентимизнинг Вазирилар Маҳкамасининг шу йил 27 июлдаги мажлисида сўзланган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари кўриб чиқилди.

• **Олмония:** Мюнхендан 30 км. масофада жойлашган Эрдинг шаҳрида клуб командалари ўртасида каратэ бўйича жаҳон кубоғи учун мусобақалар ниҳоясига етди. 20 мамлакат спортчилари иштирок этган бу нуфузли халқаро турнирда илк бор қатнашган ўзбекистонлик каратэчилар бта олтин, 1 кумуш ва бта бронза медалларини қўлга киритдилар ва умумкоманда ҳисобида шохсуланинг учинчи босқичига кўтарилдилар.

• **«Ўзбекистон ҳаво йўллари»** миллий авиакомпанияси шу пайтгача дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида келаятган сайёҳларга Тошкент шаҳри орқали хизмат қилган бўлса, ўтган ҳафтадан бошлаб самолётда Лондондан тўғри Самарқандга келиш имконияти пайдо бўлди. 8 август кун Лондон-Самарқанд йўналиши бўйича учган дастлабки замонавий самолёт қадимий шаҳарга келиб қўнди.

• Бўлиб ўтган Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирилар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш ва уни тўғри ташкил этишга доир қарорларнинг июль ойидаги ижроси якуналари муҳокама этилди.



МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

МЕНГА СУЗ БЕРИНГ

ИСТИҚЛОЛ: ВАТАН, ИЙМОН, ЭЪТИҚОД

1. Ўзбекистон мустақилликка эришганига саккиз йил тўлади. Келинг, истиқлолнинг илк кунларига қайтайлик. Ушанда дилингиздан қандай ўйлар кечган эди?

2. Сизнингча инсон учун энг муқаддас неъмат нима?

3. Мустақиллигимиз кўз ўнгимизда камолга етиб борапти. Унинг янада равнақ топиши учун сиз қандай ҳисса қўялсиз?

Сўхбатдошимиз Пскент туманидаги Дўстбеков номли ташқи бошқарув хўжалиги ташқи бошқарувчиси Ҳазратқул НУРОВ:

1. Озодлик, эркинлик — болдан ширин. Лекин болнинг ози яхши. Хурлик эса бир умрга татигулик неъмат. Давлат мустақиллиги халқ хуриги, шахс эркинлиги демадир.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган илк кунларда ана шу ёқимли ўй-фикрлар хаёлдан ўтди. Яратганга шукроналар айтдим. Кишини озод яшашига, ўз ичтири ўзида бўлиши, қўлини келганга ҳалол меҳнат қилиб, кунлидаги умир кеңиришга нима етсин!

Бу гапларни айтишимнинг боси шундаки, қиллоқ хўжалиги соҳасида узоқ йиллар ишлаб, ҳар соҳада мустақилликнинг, ҳатто, ўз юртимизда баъзан сифиди-дек яшанишга нақадар амалли эканлигини бошдан кечирдим. Касбинг, эгаллаб турган лавозимнинг таъқоси билан қандай иш тўтиши, нима қилиш керак-

лигини ўзинг яхши билсанг-у, аммо ҳолис ишлашга қўйимас, фойдасидан зарари кўп курсатмалар, йўл-йўриқлар ёғилверса юқоридан, киши эзилб кетар экан. Қайси бирини бажаришни билмай, гангиб болардик.

Аллоҳга шўқри, мана, тумандаги энг йирик хўжаликнинг раҳбари сифатида дала меҳнатқашлари билан бамаслаҳат, эмин-эркин дўхончилик қилаймиз. Самараси ўтган ярим йилдаёқ яққол кўринди: галгалининг ўзидан 8,5 миллион сўм соф даромад олдик.

2. Иккинчи саволнингизга ҳам қисман жавоб бердим шекили. Фақат битта нарса-ни қўшимча қилишни истардим. Инсонга мустақилликдан ташқари тинчлик, хотиржамлик ҳам сув билан ҳаводек зарур. Истиқлол шарофати билан ҳар ким қиладиган меҳнатига яраша яшаш имкониятига эга бўлди. Атрофимизга бир қарайлик. Ҳалол меҳнат-

и, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги билан мўмай даромад эгаси бўлиб, турмушини фаровон қилаётган, жамиятга ҳам, муҳтожларга ҳам ёрдами тегаётганлар озмунчами. Буларнинг ҳаммаси — мамлакатимизда барқарор ҳўкм сураётган тинчлик, осовишталлик туфайли, албатта. Оқилона ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган давлатимиз раҳбарларига ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак оз.


Хурлик, тинчлик, тотувлик барқарор экан, халқ ҳаёти фаровонлашиб бораверади. Инсон учун бундан-да ортиқ олий неъмат бўлмайди.

3. Менинг мустақиллигимизни мустақамлашга қай дарарада ҳисса қўша олишимни келажак кўрсатади. Негаки, хўжалигимиз бу йил санацияга тушган хўжаликлар рўйхатида киритилди. Умумий қарз 170 миллион сўмга етибди. Лекин бу тушунликка берилишга асос бўлолмайди.

Ҳукуматимизнинг бевосита ёрдамида яъни санация шароитида ишлаб, иқтисодий аҳолимизни ўнглашга киришдик. Иш ҳақи, пенсия ва турли нафақалардан, қарзларимиздан даярли қўулганимиз энг катта ютуғимиз бўлди. Қолган қарзларимиз маълум муддатларга кечиктирилган.

Хуллас, қўлдан бери зарар қўриб ишлаётган хўжалик бу йилдан фойдага кирди. Далада ишлаётганларнинг қўли пул қўра бошлади. Кейинги йиллардан бошлаб хўжаликнинг умумий даромади баракка кириши кутилмоқда. Демак, ҳадемай, юқори рентабелли хўжаликлар сафидан ўрин олишимиз учун пухта замин яратилмоқда. Ушанда жамоамиз аъзоларининг турмуши ҳам тўқинсочин бўлади. Бунда оддий бир раҳбар сифатида шахсий улушим борлиги менга куч-қувват бағишлайди.

ЙУЛИНГИЗ РАВОН БЎПСИН



«Бўқа автобус-такси саройи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг меҳнатқашларнинг узоғини яқин қўлувлар дейишида. Чўнки, унинг ҳар кунини ўнлаб йўналишлар бўйича қатнаётган автобуслари, такси машиналари йўлчиларини ўз манзилларига етказиб қўймоқда. Жамоа Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигини ҳам муносиб кўтиб олиш ниятида. Суратларда: корхонанинг сал кам чорак асрлик иш тажрибасига эга бўлган мохир ҳайдовчиси Ҳасан Жалилов (чапда); чилангар Владимир Шелудко, сарой раҳбари ўринбосари Зокир Жалилов ва ҳайдовчи Фозил Имомоновлар иш юзасидан ўзаро сўхбатлашмоқдалар (ўртада); илгор токарь Нўмрон Сатторов. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ВИЛОЯТ Ҳаёти

• Янгийўлдаги «Камолот» стадионида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган ҳарбий-спорт байрами бўлди. Унда мамлакатнинг авто ва мотоспорт, ёзми биатлон, триалон бўйича кучли спортчилари, авиа ва ракета моделчилари, парашютчилари, «Ватанпарвар» мудофаага қўмаклашиш жамияти автомобил мактабларининг курсантлари, миллий гвардия ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

«Ватанпарвар» мудофаага қўмаклашиш жамияти марказий кенгаши раиси, полковник А. Абдуқаҳҳоров ҳарбий-спорт байрами иштирокчиларига қарата табрик нутқи сўзлади. Шундан сўнг Ўзбекистоннинг кучли спортчилари ва курсантлик кўпқураши голибларига тантанали суратда мукофотлар топширилди.

• Ангрен шаҳрида 210 рақами билан ишлайдиган уяли телефон тармоғи қурилиши тугалланаяпти. «Уздуробита» фирмаси мутахассислари ушбу тизимни мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги байрамига совға қилмоқдалар.

• Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги 15 минг нафардан зиёд ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш аниқ жадвал асосида йўлга қўйилди. Уларнинг билимларини пухталашда Тошкент давлат Тиббиёт институтининг анестезиология бўлими таянч базаси бўлиб хизмат қилмоқда.

• «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими кам таъминланган оилалар, мактаб-интернатлар, болалар уйларига тарқатиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ажратди. Шу кунларда жамғарма болалар шифохоналарига муруват ёрдами учун хоржий мамлакатлардан юборилган дори-дармонларни етказмоқда.

• Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳиссадорлик жамияти жамоаси тайёрланган ширинликларга қўшни мамлакат — Қозғистондан ҳам харидорлар кўп. Шунинг ҳисобига олиб, қорхона раҳбарлиги Чимкент шаҳрида ўзининг савдо уйини очди.

• Халқаро Тошкент-Ўш йўлининг Оҳангарондан ўтувчи қисмида капитал таъмирлаш ишларини олиб бораётган Паркент «Автойўл» бошқармасининг Тенканобой Ҳасанов бошлиқ қурувчилари бу йўлнинг кенгайтирилган, икки чеккасига бетон ариқлар ётқизи-либ, ободонлаштирилган 10 километрини фойдаланишга топширишди.

• «ВМТ» Олмаликда чет эл сармоядорлари билан ҳамкорликда барпо этилган қўшма қорхона. «Тафтинг» қорхонаси негизда ташкил этилган бу ишлаб чиқариш бўлимининг гилам-поёндозлар тўқиб-иқтисодлашиши. Қисқа вақт ичида қорхона тамаси босилган 16,1 миллион сўмлик маҳсулот савдо шаҳобчаларига етказиб берилди.

• Янгийўлда шаҳар академик лицейида биринчи сентябрга қизгин ҳозирлик бормоқда. Тошкент Давлат техника университети ёрдамида таъсис этилаётган бу ўқув даргоҳида ишларга аниқ ва табиий фанлар (физика, математика, кимё, биология, жўрофия) бўйича пухта билим берилади.

750 ўқувчига мўлжалланган лицейда бунёдкорлик ишларини олиб боришда «Тошмевасабзавот» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 8-қўшма механизация жамламоси, «Депо», «Фаст», «Жавоҳир» хусусий фирмалари қатнашмоқда.

• Куйичирик туманида Аёллар йилига бағишлаб «Кутубхоначи-99» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда туман ҳудудидаги барча кутубхоналар вакиллари қатнашдилар.

Улуғбек номли жамоа хўжалиги кутубхоначиси Хатирна Ҳамзаева кўрик-танлов голиби бўлди.

Мулоқот

КОСМОНАВТ БИЛАН УЧРАШУВ

КўНИ кеча Ўзбекистон Миллий Муҳаббат вақтида оммавий ахборот воситалари ходимлари космонавт-учувчи Солижон Шарипов билан учрашди.

У сўхбатнинг бошдаёқ камтарона меҳнатга Президентимиз Ислам Каримов томонидан эътиборга олиниб, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлангани ҳақида гапириб, Юртбошимизга, республикамиз халқига чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

— Ҳар сафар Ўзбекистонга келганимда, — деди С. Шарипов, — ўзимни бахтиер ҳис этаман. Мустақиллик йиллари ичида рўй берган ўзгаришларни, устозларимни, қадрдонларим, ўқувчиларимни кўриб қувонаман. Ўзбек фарзанди сифатида тобора равнақ топиб бораётган юртга қандайдир хизматим билан ҳисса қўйиш иштиқиди бўламан...

Матбўст анжуманида Солижон ўзининг космонавтикага кириб келишига доир фаолияти, «Мир» орбитал станцияси, «Шатл-Спейс-Мир» космик кемаси дастури бўйича тавбарлиқ жараёни, фазога илк парвози ҳақида батафсил гапириб берди. 1994 йилдан уёён хизмат таълими пайтида ўзи дарс ўтаётган Паркент туманидаги «Койнот» ёшлар аэрокосмик мактаби талабаларининг теҳнавий илмларига қизиқилари, юксак қобилиятлари тўғрисида ҳам кенг тўхталди.

Саидвали ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Саҳоват

«ҲАСАНБОЙ»НИНГ ЎЗ ХОТАМТОЙЛАРИ БОР...

ТОШКЕНТ туманидаги «Ҳасанбой» қишлоғида бугун ўзгача таянган. Бу ерга эрта тонг-сахардан одамлар гуррос-гуррос оқиб кела бошладилар. Улар орасида пирю давлат отахону онахонлар ҳам, нуфузли ташкилот ва хўжалик ҳамда фирма раҳбарлари ҳам бор. Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар эса қўпчиликини ташкил этади.

«Ҳасанбой» қишлоқ шифохонаси мустақиллик айёмимизнинг кўтлуг 8 йиллиги арафасида янада яшариб, фазибоблик касб этди, десак ялғишмаймиз. 80-йилларнинг бошларида қурилиб, фойдаланишга топширилган бу шифо маскани... Ҳап шундаки, кейинги йиллар мобайнида анча таъмир талаб бўлиб қолган эди. Савобталаб тадбиркорлар ўзига хос ташаббус ва хотамтойлик кўрсатишди. Жумладан бу ерда фаолият кўрсатётган «Толиб ота» фирмасининг (раҳбари Зоҳид Азимов) ана шу хайрли ва савоб ишга қўшган ҳиссаси салмоқли бўлди. Ака-ука Маҳмадҷон, Тоҳир ва Зоир, Зонг ва Муродҷон Толиповлар саҳоватпешаларнинг биринчи сафлариде туришди. Шунингдек «Усмон ота», «Нифмон ота» фирмалари, «Ўзбекистон-Туркия» қўшма қорхонаси «Ганжи-бай-жан», Тошкент шаҳридаги лак-бўёқ заводи, Тошкент тумани «Бозорсавдо» бўлими ва бошқа кўплаб ҳомий ташкилотлар ҳам четда туришмади.

«Ҳасанбой» жамоа хўжалиги раиси Абдумавлон Ҳамдамовнинг таъкидлашича, бутун Ҳасанбойликлар шифохона аъло ва сифатли таъмирланишида жонбозлик кўрсатишди.

Дарвоқе, шифохона бош шифокори Хусанҷон Ҳамидовнинг, айниқса бугун кувончи чексиз. Шифохона эндиликда суратда ҳам, сийратда ҳам мақтанса арзиғулик: замонавий, шинма, ораста. Шифо масканининг ҳар бир аъзоси эса ишчан қайфиятда...

Шифо масканининг қайта таъмирланиши ва тантанали очилиш маросимида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари ҳамда кўплаб иждоий жамоалардан ҳам вакиллар қатнашди.

Тантана руҳи савоб ва хайрли тадбирларга оқ фотиҳа берди.

Абдулла ТУРДИЕВ,
журналист.

1999 йил — Аёллар йили

АЁЛЛАР ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИГА ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТ вилояти Зангиота туманидаги «Зангиота» ширкат хўжалигида «Хотин-қизларнинг демократик жамиятдаги ҳуқуқлари ва ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.


Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, таълим мусассалари, «Маҳалла», «Камолот», «Наврўз» жамғармалари вакиллари, ҳуқуқ-шўноқ олимлар иштирок этдилар.

Семинарни вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими муовини Сайёра Ҳужаева бошқарди.

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси Раиси Д. Фулломова кун тартибидеги масала юзасидан маъруза қилди.

Анжуманда мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилганлиги таъкидланди. Аёллар йили муносабати билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустақамлаш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу йўналишдаги сай-ҳаракатларни янада кучайтириш, айниқса, оила ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларга таълим-тарбия беришнинг такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур.

Н. ДУШАЕВ,
УЗА муҳбири.



**МУСТАҚИЛЛИК:
САККИЗИНЧИ
ДОВОН**

**«БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ» —
ҚАДРДОН МАСКАН**

Соғлом авлод учун

ОТА-ОНАСИЗ қолган болага қандай қилиб уй шароитини яратиб бериш, у ўзини ғариб ҳисобламастлиги учун нима қилиш мумкин? Бу савол кўпгина мамлакатлар педагогларини ташвишга солиб келади. Ҳозирги кунда бу соҳадаги энг истиқболли моделлардан бири — болалар қишлоғи ҳисобланади. Тошкентда Узбекистондаги биринчи ана шундай қишлоқ қурилиши бошланди. Унга «СОЗ — болалар маҳалласи» деб ном берилган. Бу маҳалланинг вазифи, республикамиздаги бу ҳаракат ривожининг истиқболлари ҳақида «Узбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси директори Алишер Алиматов ўза мухбирга сўзлаб берди.

қил этди ташаббуси билан чикди. Узбекистон Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 1997 йил 31 декабрдаги қарори билан бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Республика ҳукумати билан «СОЗ — Киндердорф интерншенл» халқаро жамияти ўртасида тузилган шартнома бу қарорнинг асосини ташкил этади. Унинг моҳияти етим болаларнинг жисмоний, интелектуал ва маънавий жиҳатдан ривожланиши учун мақбул шароит яратиб беришдан иборат. Бу хайрли ишга кетадиган барча харажатларни «СОЗ — Киндердорф интерншенл» халқаро жамияти ҳамда унинг қосида фаолият кўрсатаётган Герман Гмайнер жамгармаси ўз зиммасига олди. Уларнинг дастлабки бадалди 2,5 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Лойиҳани амалга оширишда ўзбекистоннинг «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамгармаси ҳам фаол қатнашди.

қўқаламзор, мезватор боғлардан иборат эр ажратди. 100 нафар бола истиқомат қилишига мўлжалланган маҳалланинг мейморий лойиҳасини тошкентлик лойиҳачилар миллий хусусиятлар ва климатини ҳисобга олиб яратилган. Маҳалла ўн тўртта икки қаватли кўтж, болалар бочаси, маънавий ва маъмурий хизмат билан биргаликда иборат бўлади. Ҳар бир кўтжга турли ёшлардаги бир неча бола ҳамда уларнинг «онаси»дан иборат алоҳида оила истиқомат қилади. «Она» оила бошлиғи ҳисобланади. У ўзини бутунлай маъна шу болалар тарбиясига бағишлайди, улар муҳтож меҳрмуҳаббат манбаи бўлиши, уйга фойз-тароват бағишлаши керак. Шуниси муҳими, болалар «онаси» билан биргаликда уй-рўзгор ишларини қилади. Уларни улғайтишни дуч келадиган турмуш ташвишлари билан танишади. Бундан ташқари, уларнинг барчаси ҳамма қатнайдиган мактабга қатнашади. Бу уйдаги ҳаёт уларга ишқон ва ҳимоя, онанинг доимий кўмагини ҳис этishi имконини беради — бу ишлар охири-оқибати етим болаларнинг жамиятга мослашувиға кўмаклашади, уларни ўз Ватанининг фаол фуқаролари қилиб етиштиради.

**РОССИЯ: ҲУКУМАТ РАҲБАРИНИНГ
НАВБАТДАГИ ИСТЕЪФОСИ**

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ҳукумат раҳбари Сергей Степашинни истеъфога чиқарди. Унинг ўрнига Россия Федерал хавфсизлик хизмати директори, Хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Путиннинг номзоди куйилди. Ҳозир у вақтинча ҳукуматга раислик қилмоқда. Президент Давлат думаси (Парламент)га айнан шу шахсининг номзодини тақлиф қилди. Ҳукмрон доираларда юз берган ўзгаришни Россия аҳолиси хотиржамлик билан қабул қилмоқда. Мамлакат молия марказларида ҳам барқарор вазият қузатилмоқда. Президентнинг ҳукумат раҳбарини вазифасидан озод этиш тўғрисидаги фармони эълон қилингандан сўнг кўп ўтмай, «Газпром» очик турдаги акциядорлик жамияти акцияларининг нархи бир-лашган эрдаси фиркиннинг исботидир.

ган хабарга қараганда, Конституцияга биноан, Давлат думаси ҳукумат раҳбари лавозимига Президент томонидан тақлиф этилган номзодни бир hafta ичида тасдиқлаши ёки рад этиши керак. Лекин, ҳозир таътил даври бўлгани боис, депутатларнинг кўпчилиги Москвада эмас. Улар аста-секин йиғилмоқда. Хабарларга қўра, Парламент жума кунини яқин мажлис ўтказиб, В. Путиннинг номзодини тақлиф қилди.

Парламент сайлови ўз вақтида ва Конституция шартлариға тўла мос равишда ўтказилишини таъкидлади. Б. Ельцин ўзининг телемулоҳазаларида кўпчиликни қизиқтириб келатган ана бир янгилик, россияликлар истисно қилини билан айтганда, «меросхўр»нинг номини ошқор этди. У 2000 йилги Президент сайловидан кейин давлат тепасида Владимир Путинни қўришга истак билдирди. Шу кунини ҳукумат раҳбари вазифасини бажарувчи В. Путин ҳам Президент сайловида номзод сифатида иштирок этажанин маълум қилди.

Тезкор шарҳ

кўриб чиқайди. Россиялик кузатувчиларнинг фикрича, бу шахсининг имкониятлари катта. Қатор сиёсатчилар ҳам унинг номзодини ижобий баҳоламоқда. Парламент аъзолари Москвага тўпланиш таратдида юрар экан, Президент Б. Ельцин Давлат думасига ўтказилган сайлов тўғрисидаги фармонга ҳам имзо чекди. Унга қўра, сайлов шу йил 19 декабрда бўлади. Президент Россия халқиға мулоҳазат қилиб, Анвар БОБОЕВ, ўза шарҳловчиси.

С. Степашинга келса, у ҳукуматга ун ойлик раҳбарлиги давомиде қилган хизматлари учун Президентдан миунатдорлик билан бирга, яхшигина мансабга тақлиф ҳам олди. Лекин дарров розилик бермай, ўйлаб қўражани айтиди.

— Оиладагидек тарбия бериладиган болалар уйини ташкил қилиш гояси австриялик гуманист педагог Герман Гмайнерга мансуб. У бу ҳаракатини эллик йил олдин бошлаган эди. «СОЗ» болалар қишлоғи етимлар ўқи оила-оналари ташлаб кетган болаларға ҳар томонлама ёрдам бериш имконини яратадиган ягона ижтимоий-иқтисодий комплексдир. Бугунги кунда дунининг 130 мамлакатида ана шундай қишлоқлар мавжуд. Уларда 60 миундан ортик бола тарбияланади. «СОЗ» — Киндердорф интерншенл халқаро хайрия жамияти мана шундай қишлоқларни ташкил этиш билан шуғулланади.

Бундан сақкиз йил муқаддам мустақилликни қўлга киритган мамлакатимизда болаларға алоҳида эътибор берилиши маълум. Улар ҳақиқатан ҳам бизнинг келажакимиздир. Бу қараётган эркин ва демократик давлатнинг кейинги тарққиёти бугунги ўғил-қизлар қандай одам бўлиб етишши-ға боғлиқ. Шунинг учун ҳам Узбекистон раҳбарияти ўсиб келадиган авлодини жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашға жуда катта аҳамият бермоқда. Республика хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат жамгармаси ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлиги «СОЗ» — Узбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасини таш-

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»
Йўқламаси:**

АНГРЕН

Гўзал Оҳангарон воҳасидан чиқарилган, Чотқол ва Курама тоғлари оралиғида Ангрен шаҳри қад роллаб турипти. У юртимиз харитасида пайдо бўлганга 52 йил бўлди, холос. Лекин борган сари кенгайиб, гўзаллашиб, кудрати ошиб бормоқда. Шаҳарни бу даражада донгини дoston қилётганлар меҳнатхўш одамлар, замондошларимиз. Бир пайлар кўмир хазинаси деб ном олган Ангрен бугун жуда кўп соҳаларда зарбдор бўлиб қолди.

Йиллар фазилати

• Ангрен шаҳрининг майдони 12770 гектар. Аҳолиси 161,2 миун киши. Бу ерда ўзбеклар, руслар, тожиклар, татарлар, корейслар, немислар — қисқаси, 75 миллат ва эллатар кўлини-қўлга бериб яшамокда. • Ангрен таркибида Янгибод шаҳри, Красногорск, Дукент, Чигирки, Нуробод қўрғонлари, 45та маҳалла мавжуд. • Ангрен энергетика, тоғкон санаоти, нефть кимёси мажмуалари вилоятимизнинг энг катта санаот марказидир. • Шаҳарда 31та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида Янги Ангрен ДНЕСИ, очик кўмир кони, «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариб бирлашмаси, «Саноатқалинқозғасавдо» акционерлик жамияти, олтин қазиб чиқариш кони, «Ангренэнергоранглиметалл», «Чотқол БК», «Узавстротекстиль», «Каолин» қўшма корхоналари алоҳида ўрин тутайди.

Шаҳар ҳокими Илҳом Асадов билан суҳбатдан:

«Вилоят иқтисодийётида Ангрен шаҳри ўзининг санаот ишлаб чиқариши ва табиий бойликлари билан алоҳида ўрин эгаллайди. Бунин айтмасам ҳам билайсиз. Узоққа боғмайлик, энергетика, кўмир, кимё, кончилик, машинасозлик ва бошқа соҳаларда амалга оширилётган иқтисодий ислохотлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида муайян ютуқларға эришдик. 24та санаот корхоналари 7,5 миллард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 1838,3 миллион сўмға этди. Иқтисодий ривожланишда «Кулол», «Уткир» хиссдорлик жамиятларининг улуши катта бўлмоқда.

Долғал йилларни ортда қолдириб

Хар бир шаҳарнинг қиёфасини белгиловчи ўзига хос белгилари бўлади. Тошкенттин «ион шаҳри, дўстлик шаҳри» деб уйғулаймиз. Ангрен — кончилар шаҳри. Бу беҳиз эмас. Ангрени кўмири бугун ҳам мамлакатимиз кўжалиқларида ўза қиматини, ўз ўринини йўқотгани йўқ. Республикаимиз мустақиллигининг 7 йиллиги арафасида Ангрен кўмири кони ўзининг 50 йиллигини нишонлади. Утган 1997 йилда кўмир қазиб чиқариш ҳажми 2588 миун тоннаға етказилган бўлса, 1998 йилға келиб 2680 миун тоннадан ошди. Бу йил эса қазиб чиқарилган кўмир 22-25 кубметрини ташкил этди. Айна кунларда учинчи ёр қатламнинг юқори камаридеги ишлар ўрта бўлинға кўчирилди. Асосан оҳақтошлардан иборат бўлган бу бўлинғаларда катта ҳажмда бурғулаш ва портлатиш ишларини амалға ошириш талаб этилади. Бунинг учун эса зарур асбоб-ускуналар етиштилади, борлари аллақачон ўза умрини ўтаб бўлган. Лекин шунға ўҳшаб кийинчиларға қарамадан коннинг келгуси тарққиётиға омили бўлувчи ишлар амалға оширилимоқда. Германиянинг «Крууп» фирмаси билан янгиғча технологияни жорий этиш учун лойиҳалаш ишлари юзасидан шартнома тузилди. Бу янги технологиянинг моҳияти — авалгига нисбатан энгил бўлган пастки камарларни, кейинроқ юқори камарларни ҳам конвейер усулиға ўтказишдан иборатдир. Кон маъмурияти томонидан меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари доимо олга суриб келинмоқда. Бу борада аёллар йиллидаги тадбирлар эътиборға лойиқ. Конда ишловчи хотин-қизлар оғир юмушлардан дярли озод қилиб бўлинди. Авваллари 150 метр ёр остида меҳнат қилган аёллар йил охириға бориб бўлган бўшқа соҳаларға ўтказилди. Аёллар йилидаги мўлжал ана шундан иборат.

**МАҚСАД — ҲАҶОН
БОЗОРНИ**

«Каолин» ўзбек-Олмон қўшма корхонасига таширф буюрган киши дастлаб бироз ажабланади. Сабаби каолин келтириб тўқилган майдонни кўздан кечирган оппоқина хом ашёни нимасини қайта ишлаш керак, деб ўйлайсиз. Лекин, каолин ўзининг хизмат вазифасини бошлагунча талай мураккаб жараяни бошиб ўтади. Ташқаридаги улқай майдаловчи қурилмада у обдон майдаланади. Сўнгра ювиш қурилмаларига юборилади. Пирич, хар хил майда тошлар, қумлардан ҳоли бўлган маҳсулот конвейерға келиб тушади. Кейин қуритилади. Каолин урга сараланади. Бир хили қуриллади. Бир хили қоғоз тайрлаш санаотида, яна бир хили — асосийси эса личининг охирида маҳсул бигбег деб номланувчи қолларға келиб тушади.



— Харидорлар кўмири? — деган саволимизға корхона бош муҳандиси Миральо Мирартаев шундай жавоб берди: — Аввало корхонаимизнинг биринчи навбати ишлайтили. Йилға 100 миун тонна қимматбахў маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эға. Иккинчи навбатини кўрдингиз. Шу йил сентябрь ойида ишға туширишни мўлжаллаялми. Ана шунда йилға 200 миун тонна каолин тайрланади. Қувасой, Тошкент, Самарқанд, шекарларидеги чинносозлик заводлари, «Ўзбекқоз» акционерлик жамияти билан шартномамиз бор. Ҳозир украинликлар ва бошқа хорижликлар ҳам маҳсулотимизға кизиқилапти. Синаш учун 10-20 тонна каолин олиб кетишган. Синовлар яхши натижа берса, бунга ишончимиз қомил. Катта миқдордаги маҳсулотларни сотиш имконига эға бўламиз.

Ҳоким билан суҳбатдан: шаҳар қиёфасини кўрдингизми? Унда кўза биринчи ташланадиган нарсэ — бу қурилиш кўлами. Капитал қурилишдаги ислохотларда корхона, ташкилотлар, фуқароларнинг шахсий маблагли ва хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш — устивор вазифа деб белгиланган. Бу йил режаларимиз ҳам ўзига враса катта. Янги коллеж қурилиши, «Соғлом» қишлоғидаги мактаб, 24 хонадонға мўлжалланган уй-жой битказилиши керак. Ушбу қурилишларнинг баъзилари туғаллан қад деб қолди, баъзилари жадал сурутлар билан қад ростламоқда.

Қурилиш билан бир қаторда шаҳримизни ободонлаштиришға ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Шаҳар худудини ва марказий йўллар атрофини кўқаламзорлаштириш, экологик ҳолатини янада яхшилаш мақсатида 7318 тур ниҳоллар ўтказилди, 20000 лигуструм ва 1913 тул гул кўчати экилди. Автобеклардан 9таси қайта таъмирланди. Саккизта катта ҳажмдаги рекламалар ўрнатилди. 54та кўп қаватли уй-жой биносининг ташқи қиёфасиға оро берилди. 9 май Хотира ва Қадрлаш кўниға майдонда янги хотира мажмуи бунёд этилди. Бундай ишларимиз давом эттаверади.

ТАРИХ — КЕЛАЖАК ЙЎЛДУЗИ

Ангрен шаҳридаги ўлкани ўрганиш музейининг илк экспозициялари 1963 йилда намойиш этилган эди. Бунға келиб, музейда 4,5 миун экспонат мавжуд. Музей директори, тиниб-тинчмас Алла Николаевна Юн шундай хўқоя қилади: — Музейнинг асосий экспонатлари 1962 йилда очилган Кўлбуноқ маконидеги буюмлардан ташкил топган. Ушбу илбидий одамларнинг илк «уй»дан топилган аспаҳа-анжомлар бундан 750 миун йил аввалғи тарихдан хўқоя қилади. Демак, Кўлбуноқ нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда энг қадимий инсон яшаган манзилларидан бири ҳисобланади. Музейимизнинг хар бир экспонати маънақатли меҳнат эвазига бунёд бўлган. Киюқаси, музейда бўлган киши вилоятимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳақидаги ўзига хос хўқояни ўқигандек бўлади. Яна бир аjoyиб ишимиз — сурутлар галереясиدير. Ушбу галереянинг асосида Ўзбекистон халқ расоми В. Уфимцевнинг асарлари ётади. Расом бутун ижодини Оҳангарон воҳасиға, унинг меҳнатхўш одамларига бағишлади. Ушбу галереядан хозир 2264та сурутлар ўрин олган. Галереяда бўлган киши ўзбекистон-

лик ранг-тасвир усталари ижоди билан тўлиқ танишади десаи, мулобаға бўлмайди. Яқинда музейимизға вилоятимиз ҳоқими У. Мирзакулов таширф буюрдилар. Барча экспонатларни кизиқиб билан кўздан кечирдилар ва Ангрен шаҳар музейини тўлалиғича вилоятимиз тарихи музейи десаи бўлади, деб айтдилар. Демак, қиладиган ишларимиз янада масуулият қасоби ётади. Янги-янги экспонатларни топамиз, музейни бойимиз.

Мустақиллик шарофати билан яна қайта жонланган, одамларни ўза бағрига чорлётган музейимиз яқин кунларда янги, хар томонлама куяли биноға қучиб ўтса ажаб эмас. Чиндан ҳам шаҳардаги ўлкашунослик музейи Ангренининг ўзига хос фахри бўлиб қолди.

**ИСТИҚЛОЛ БАХШ
ЭТГАН ҚАНОТЛАР**

БИЛИМЛИЛАР МИНГ ЯШАР

— Шаҳар марказий кутубхонаси атоқли ёзувчимиз Ойбек номи билан аталади. Яшириб нима қиламан, бундан бешолти йил олдин ўқувчилар кутубхонамизға дярли келмай қўйишган эди, — дейди кутубхона мудири Галина Костирева, — лекин инсон фақат ошу нон билан тирикчилик қилмайди. Унга тафаккур, онг, маънавият ҳам ошу нондек зарур. Ҳозир айтсам ишонмайсиз: кутубхонаимизнинг бугун 3 миундан ортик доимий аъзоси бор. Китоб фондими э 770 миундан ошик. Шундан 30 миунги ўзбек тилидаги адабиётлардир. Киросатоҳнамиздан одам аримайди. Утган йили 1,5 миллион сўмлик газета-журналларға обуна қилдик. Таширф буюрган китобхон узиға қаралик нарсани топиши учун ҳамма хизматта хозирми. Шунинг учун ҳам «Туғилган кўнун билан, менинг республикам», «Ўзбекистонда яшайман», «Кўш кўнунда», «Маънавият — келажак пойдевори», «Шеърят оқоими» тадбирларида китобхоналаримиз фаол иштирок этишди. Яна бир гап. Сорос фондидан вақиллар кутубхонамизға таширф буюрдилар. Шу ерда катта анжуман ўтказиш ниётлари бор. Бизга китоблар сотиб олишға ёрдам беришға қарор қилишди. Айтганча, бу йил 2900 номда 150 миун сўмлик янги китоблар харид қилдик. Бу ишға шаҳар ҳокимлиги катта хайрхўрлик билан қарапти. Китоб — маънавият озғи. Усиб келбаётган авлодимиз қанчалик билимдон бўлса, маънавиятимиз шунчалик мустаҳкам бўлаверади.

«ҚАДРИЯТ» ҚАДР ТОПМОҚДА

Шаҳар маънавият ва маърифат бўлими 1996 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келимоқда. Шу вақт мобайнида, — деб хўқоясини бошлади Абдуқошим Йўлдошев, — юздан ортик маънавий, маърифий, маданий-оммавий тадбирлар ўтказилди. Республика миқёсидаги анжуманлар, танкили олимлар, саниткорлар билан учрашувлар, турли мавзулардаги танловлар бўлиб ўтди. Маҳаллалар ўртасида хар йили анъанавий фольклор-этнографияк танлов, «Маҳалла тарихи» мавзуида давра суҳбатлари бўлипти. 1997 йилда янги ташаббус билан чиқдик. «Қадрият» театр студиясини ташкил этдик. Намойиш этилаётган томошаларда асосий гоя — оқибат, меҳр-муруватдир. Шу пайтгача М. Хамиднинг «Замоннинг синган ойнаси», К. Мирзанин «Арвоҳ қўлға тушди», Э. Хўшвақтовнинг «Чимилдик» асарларини сахналаштирдик. Булардан ташқари болалар учун «Шум боланин янги саргузаштлари», «Маккор тулкича», «Қайсар малика» каби кўчирчоқ томошалари намойиш этдик. Актерларимиз кимлар деб ўйларсиз? Улар орасида 12 ёшдан 36 ёшғача бўлган ҳамшаҳарларимиз бор. Бувиниса Усмонова 1-ўрта мактаб ўқитувчиси бўлса, Абдуқошим Йўлдошев Собир Раҳимов номли жаммо ҳужалгида ишлайди. Дилшод Иляжонов еттинчи синида таҳсил олса, Илҳом Маҳкамов Дукент маданият саройининг бадийий раҳбари. Театримизға «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси хомийлик қилмоқда. Бир ниётиимиз бор: маҳаллий муаллифларнинг шу кеча-кундузадаги ҳаётимиз ҳақида хўқоя қилувчи асарларни кўп бўлса, биз уларни томошаға чанқок одамларимизға ҳавола этсак,

Ҳоким билан суҳбатдан:

Бозор иқтисодиёти, дедингиз. Бу борада ҳам шаҳримизда талай юмушлар қилинмоқда. Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, қимматли қозғолар бозорини ривожлантириш диққат марказимизда турипти. 1999 йилнинг 1 июлиғача 26792 миун сўмлик акциялар сотилди. Унга «Кўмир қурилиш», «Автоқўмир», «Кўмирэнергес», «БелАЭқўмир», «Ангренгазмаш», «Ангренол», «Наврўз», «Чилтен», «Ангренсавдо», «Шарқий Курама» хиссдорлик жамиятлари катта ҳисса қўшдилар.

Ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотлар шаҳар қиёфасида ўза аксини топмоқда. 50та умумтаълим мактаблари, 3та лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1894та ўқитувчи таълим бермоқда. 52та болалар богчасида 5481та фарзандларимиз тарбияланмоқда. 11та шифоҳона ва поликлиникалардаги 315та малакали шифокор, 1301та меҳрибон ҳамширалар одамлар дардиға даво топмоқдалар.

Ташқи иқтисодий савдонинг аҳамиятини сизға айтиб ўтиришимнинг ҳоҷати йўқ. Шу йилнинг биринчи ярим йиллиғида ташқи алоқалар айланмаси 4,35 миллион АҚШ доллари миқдорига мавжуд бўлди. Бу ўтган йилнинг кўрсаткичларига нисбатан 135,9 фоизни ташкил этди. Четта маҳсулот чиқариш 298,4 миун АҚШ долларига этди. Импорт эса 4,1 миллион АҚШ доллари ҳажмида бўлди. Шаҳарда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш имкониятларини жуда катта. Бирок рўйхатдан утган 11та қўшма корхоналардан бтаси хар хил сабабларға қўра фаолият кўрсатмайти.

Кучинг бўлса рингга чиқ

— Бу менин шаҳсий ширимин, — деди Ўзбекистоннинг 1998 йилги бокс бўйича чемпиони Рустам Рустамов. — Чиндан ҳам кучисиз одам спортчи бўлиши мумкин эмас. Ангренда эса спорт ниҳоятда ривожланмоқда. Фақатгина бокс бўйича Бахтиёр Юсупов, Анвар Қозоқбоев, Зоир Насруллаев, Уткир Тўтунов, Рамзий Ашуров сингари дўстларим шаҳримиз шарофини химоя қилмоқдалар. Мушлатишни билган киши боксчи бўлиб кетавермайди. Бунинг учун шарт-шароитлар, спорт анжомлари зарур. Бизда эса буларнинг ҳаммаси мавжуд. «Тарзан» бокс клубимизни қўрсангиз гапимиз ишонасиз. Яқинда «Олтин-қўмир» масуулият чекланган жамият спорт клубимизни тўла таъмир қилиб берди. Шундай аjoyиб шароитлар яратилиб турганида биз неға голиб бўлмаслиғимиз керак.

Ҳоким билан суҳбатдан: кўплар «Мустақиллик бизға нима берди?» деган саволини кўндалаг қўядилар. Бир қарашда жўндек туюлади бу савол. Аслида эса мустақиллик хар биримизға жуда кўп нарсэ берди.

Узингиз ўйлаб кўринг. Агар мустақиллик бўлмаса Ангрен шаҳрида 10дан ортик қўшма корхона ташкил этилармиди? Еки Қамчиқдаги ерости йўллари бунёд бўлармиди? «Қадрият» сингари театрлар ташкил топармиди? «Умид», «Қамолот», «Камолот», «Соғлом авлод учун» каби жамгармалар тузилиб, улар эртанги кунимизнинг бунёдкорлари бўлиши биларимизға хизмат кўрсатармиди? Энг муҳимини таъкидлашни истардим. Утган сақкиз йил ичида кишиларимизнинг дунёқарашини, тафаккурини, маънавий қиёфасини буткул ўзгарди. Оддийгина коровул ҳам кўриқлаётган жойининг эгаси ўза эканлиғини сезади. Бу ахир, мустақилликнинг энг олий нёъмати-кў! Тафаккур, онг, маънавият ҳам ошу нондек зарур. Ҳозир айтсам ишонмайсиз: кутубхонаимизнинг бугун 3 миундан ортик доимий аъзоси бор. Китоб фондими э 770 миундан ошик. Шундан 30 миунги ўзбек тилидаги адабиётлардир. Киросатоҳнамиздан одам аримайди. Утган йили 1,5 миллион сўмлик газета-журналларға обуна қилдик. Таширф буюрган китобхон узиға қаралик нарсани топиши учун ҳамма хизматта хозирми. Шунинг учун ҳам «Туғилган кўнун билан, менинг республикам», «Ўзбекистонда яшайман», «Кўш кўнунда», «Маънавият — келажак пойдевори», «Шеърят оқоими» тадбирларида китобхоналаримиз фаол иштирок этишди.

**Темур УБАЙДУЛЛО,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

Ёшлар — келажакимиз. Уларнинг билими, маорати, фидойилиғи боис мустақил Ватанимизнинг эртаси янада нурафон бўлади. Чиндан ҳам юртимизда келгуси авлодининг хар томонлама тўқис билимдон бўлиши, касб-кўнар эгаллаши бир сўз билан айтганда эртанин эгасидек қамолга етиши учун барча шарт-шароитлар муҳайи. Сиз сурутда кўриб турган йилгитлар — Ангренинги ёшлиғи, унинг доғини янада дoston қилувчи ўтюрқларидир.

Турли хил ишлаб чиқариш жарайнларидан ўтган каолин мана шу цехда қопларға жойланади. Сурутда: «Каолин» қўшма корхонасининг цех бошлиғи Владимир Зигмунд ҳамда конвейер машинисти Валерий Толмачев тайёр маҳсулот сифатини текширмоқда.

Ангрен шаҳридаги ўлкани ўрганиш музейида талайгина қадимий экспонатлар жағаланган. Улар ўтмишимиз тарихи, бугунги кунимизға етиб келган табиат эксонларидир. Сурутда: музей залларидан бирида. Даврон АҲМАД олган сурутлар.



КУЗАТУВЧИЛАР КУНУ ТҮН ХАРАКАТДА

ЯҚИНДА Покент туманида **гўзанинг** ҳосил тўлалигини кўчатириш ва бор кўсақларни тўла сақлаб қолиш, бундан бундан агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиб, пахтанинг эрта пишиб етилишини таъминлаш чора-тадбирлари...

рига бағишланган вилоят машғулот-кенгаши ўтказилди. Унда пахтакор туманларнинг ҳокимлари, қишлоқ ва сув ҳўжаликлари бошқармалари бошликлари, ҳўжаликларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

КЕНГАШДА вилоят пахтазорларида ҳосил тўлалигининг бугунги аҳоли, касаллик ва зараркунанда хашаротларнинг пайдо бўлиши ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари ҳусусида фикр-мулоҳаза юритилди. Ривождан орқанда қолган, айниқса, табиий офат туфайли бузиб, қайта экилган майдонларга қўшимча ишлов бериш ва шарбат суви оқиши, ҳосил кушандаларининг пайдо бўлишини назорат қилувчи кузатувчилар сонини кўпайтириш, улар ишини узлуксиз ва тизим тартиб асосида ташкил этиш, ушбу муҳим агротехника тадбири устидан назоратни янада кўчатириш мақсадида табақалаштирилган комиссия гуруҳларини тўзиб, белгилаб аниқлаш ва зараркунанда хашаротларни назорат қилувчи бўлиб тўзишда тақлиф ва тавсиялар билдирилди, илгор тажрибалар ўрқотқилинди.

сиё ҳам умумий текширув ўтказиб, ҳақиқий аҳволда ҳокимни мунтазам хабардор қилиб туради. Табақалаштирилган бундай узлуқсиз кузатувлар ўз самарасини бериляпти. Чунки, ҳар бир комиссия текширувлар натижасига мувофиқ аниқ тақлиф-тавсиялар беради. Навбатдаги кузатувлар чоғида эса бирийла унинг ижросини ҳам текшириб боради. Жойларда йўл қўйилаётган арзимас камчилик ва нуқсонлар ҳам шу зайдда бар тараф атилади.

Шу кунинг мавзусида

Туманда хашаротларга қарши курашда захарли дориларни имкони борича камроқ ишлатиб, асосан зараркунандаларнинг кушандаси бўлган фойдали хашаротлар қўлланилмоқда. «Покент» таши бошқарув ҳўжалиги, И. Хайдаров номи, А. Навоий номи, Х. Қодиров номи жамоа ҳўжаликларида ташкил этилган тўртта биологатория 70 фўса пахта майдонидида фўсақ курти ва ўргимчаканани зарарсизлантиришга етадиган микдорда фойдали хашаротлар тайёрлаб бермоқда. Айни кунларда зараркунандалар оралаган жойларнинг ҳар гектарыга 1110 донадан трихограмма, 1330 донадан габробракон ва 845 донадан олтинуз фойдали кушандалар тарқатилмоқда. Бундан ташқари махсус тайёргарликдан ўтган 200 нафарга яқин назоратида 57 минг дона феромони ва 14 минг дона ачиткили тутқичлар ўрнатиб, қўсақ курти капаланининг тарқалиши ва туҳум қўйишининг олдини олмақда. Натижада қўсақ курти иккинчи авлодининг қўлаб уруғланишига йўл қўйилмаляпти.

Фўзани чилпиш, сўнги сув берилган майдонларда қатор ораларни юмшатиш, фўза баргини тўқиша ҳар томонлама тайёргарлик қўриш тадбирларининг ижроси ҳам комиссияларнинг қатъий назоратида. Хозиргача барча майдонлардаги фўзаларнинг учи бир марта чилпиб чиқилди. Энди эса ҳамма ҳўжаликларида ҳар кун 2750 киши бу ишга жалб этилмоқда. Комиссияларнинг маълумотларига қараганда даладарда 139та культиватор ишлатилмоқда. Унинг оралари фўза туллари ва ҳосил тугунларига зарар етказмаслиги учун барча эхтиёт чоралари қўрилган.

Пахтачилик ҳўжаликларида ойллик иш ҳақлари вақтида ва тўла бериб борилиши таъминланмоқда. Масалан, июнь, июль ойларида ойллик маошларнинг бир қисми бугдой, полиз ва сабзавот махсулотлари ҳисобидан қопланди. Ҳисоб-китобнинг бундай усули ҳам ҳўжалик, ҳам далада ишлатилганлар учун қўлайдир.

Бу йил туманда фўза баргини тўқишда «Сихат» дефолиантидан фойдаланилади. Барча ҳўжаликларга гектарыга 15 килограмм ҳисобидан тарқатилди. Мавжуд 19та ОБХ пурақачи дефоляцияни бошлаш учун тахт қилиб қўйилди.

Абдусамод Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Уртачирчиқ туманидаги «Қайтмас» ҳиссадорлик жамиятининг 4-ширкат ҳўжалиги даладаридида гўзанинг ривож ва ҳосил тўлаш ҳараёни яқин кечмоқда. СУРАТДА: ширкат ҳўжалиги бошлиги **Малик Соппов** (ўнгда) ва механизатор **Абдуҷаббор Ҳўжамуродов** ҳосил қўидадан мамун. **Даврон АҲМАД** олган сурат.

БОЛАЛАРНИНГ МАФТУНКОР ОЛАМИ

Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ тумани «Йил ота-ҳўжалигида болаларнинг» «Мафтункор ранглари жилоси» деб номланган халқаро кўрик-тайлови бўлиб ўтди. Эхтиборли томони шундаки, Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ногирон жамияти, «Енгра» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этган назар ўзига ҳо бирламда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, шунингдек, Қозғоғистон ва Қирғизистон Республикаларидан келган олтмишга яқин ногирон болалар иштирок этди. Болалардан ногирон ўғил-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, энг асосийси, уларнинг қобилиятини юзага чиқаришга қўмақлаштиш мақсадида тўртинчи бор ўтказилган мажбур тадбирда унинг иштирокчилари турли мавзўларда ранг-баранг суратлар чизди. Бугун қанб тўйулар акс эттирилган ҳаёт ва табиат ҳақидаги содда, аммо назик манзаралар кишини бефарқ қолдирмайди. Қолиблар қимматбаҳо соғвалар, шунингдек, ногиронлар арвақчалари билан тақдирланди. Тадбир давомида унинг иштирокчилари учун ширинликларга бой туқин дастурхон ёзилди. Турли хил қизқарли томошалар, викториналар ташкил этилди. Шу кун бу ерда болалардан ногирон бўлиб қолишининг олдини олиш бўйича халқаро илмий-амалий семинар ҳам ўтказилди. Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея ва бошқа давлатлардан келган олим ҳамда мутахассислар ўзбек шифокорлари билан биргаликда бу борадаги ютуқ ва балдағи вазиқларни ҳақида фикр алмашдилар. Ҳўжаликда жойлашган болалар реабилитация маркази фаолияти билан танишдилар.

Н. ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛАЛАР ҲИСОБИГА

ВИЛОЯТ халқ таълими бошқармаси тизимида Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича назар қўйилган биринчи ярмида анчагина ишлар амалга оширилди. Улардан бири мактабларни олий маълумотли ўқитувчилар билан мустаҳкамлашда яққол кўринди. Хусусан, ўтган олти ой ичида 34 мингдан зиёд малаимлар сағига қўшилган 1420 мутахассиснинг 385 нафари институт ва университетларни битириб келган ёшлардир. Айни пайтда ўқув даргоҳларида ҳамон танқислиги сезилиб турган ҳужуқий билимлар бўйича малакали ўқитувчилар тайёрлаш юзасидан қатор олий ўқув юр்தари билан шартномалар тузилди.

Арофат РАЗЗОҚОВА.

ҚИСҚА САТРАЛАДА

• Азор архипелагига қирувчи Сан Мигел оролида икки француз алпинисти халок бўлди. 25 ва 30 ёшдаги бу икки спортчи қояга чиқаётганда чўқур жарликка қулаб тушди. Уларнинг жасадлари вертолёт ёрдамида жарликдан олиб чиқилди.

• Молдовада АҚШ вакиллари билан ҳамкорликда «Новий қалқон-99» ҳарбий машқлари бошланди. Унда тинчликни сақлаш операциялари машқ қилинади. Ушбу машқларда АҚШнинг Шимолий Каролина штати миллий гвардиясининг ҳарбий полицияси хизматчилари ҳамда Молдова миллий армиясининг ўқчи бригадаси иштирок этади.

19 августгача давом этиши режалаштирилган бу машқлар икки босқичдан иборат. Биринчи босқичда алоқа ва ҳаракат воситалари билан ишлада ҳамкорлик имкониятлари намойиш этилади. Иккинчи босқичда инсонпарварлик ёрдами юқларини кузатиб бориш ва уларни тақсимлаш, қочқинларни қўчириш машқ қилинади.

• Сьерра-Леонеда қўзғолончилар томонидан гаровда ушлаб турилганларнинг 20 нафари озод этилди. Лекин, маълумотларга кўра, яна камида 13 киши чакалақордаги лагерларда сақланмоқда.

Маълум бўлишича, озод этилганлар орасида БМТ миссияси аъзолари, Фарбий Африка тинчликларвар қўшинларининг (Экомог) беш нафар аскарли, икки журналист ҳамда олти та маҳаллий ҳайдовчи бор. Қўзғолончилар нима сабабдан гаровга олинганларнинг барчасини озод этмаганили ҳозирча аниқ эмас.

ДУНИЁ АСР

янги
бўсақасида
воқеалар • мамлакатлар • одамлар

СИЛКОН ВОДИЙЛАРИ

Бундан роппа-роса юз эллик йил муқаддам Американинг Калифорния штатида қатта-қатта олтин захиралари топилган эди. Шунда АҚШнинг ўзиндан ва бошқа мамлакатлардан энгил бойлик ортириш ниятида бўлган юз минглаб кишилар Калифорнияга оқиб кела бошладилар.

Олтин савасаси ва қулай жўғрофий жойлашуви туфайли бу ўлка энг ривожланган ва аҳоли энг зич яшайдиган штатлардан бирига айланди. Хозир Калифорниянинг Сан-Франсиско шаҳри ақинидаги «Силикон водийси» атамасини олган ҳудуд АҚШдаги яна бир савасасининг марказига айланган. Бу ҳам бўлса компьютер технологиялари савасасидир.

«Силикон водийси» дунёга машҳур гўшага айланганига бир неча йил бўлганига қарамай, аънавий сердаромат ҳисобланган машинасозлик ёки нефть-газ саноати каби соҳаларни ортада қолдириб, аллақачон Америка иқтисоди тождида энг қимматбаҳо олмаста айланган. «Силикон водийси»да ҳозир энг сердаромат бўлган компьютер ва интернет технологияларидидаги етакчи «Интел», «Эппл компьютер» ёки «Силикон графика» каби ўнлаб компанияларнинг тақдирот ўтказиш ва ишлаб чиқариш марказлари жойлашган.

асосини компьютер ва интернет технологиялари ташкил этади. Бун и яқин тушулган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари раҳбарлари ва минтақанинг йирик тадбиркорлари ўларга учун қўйин бўлган хозирги даврда ҳам ушбу тармоқларни ривожлантириш учун маблағ ва кучни аямаяпти. Бу минтақа мамлакатларида аънавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари энди авваллик ривожланишининг юқори суръатларини таъминлай олмаслиги мумкин.

Шу боис бўлса керак, икки йил аввал бошланган халқаро инқироздан анча зарар қўрган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳам нажотни ўз «Силикон водийлари»ни қуришда кўрмоқда. Жаҳон таарқуёти саноат асридан қичиб ахборот асрига қадам қўймоқда. Келаси асрининг

Масалан, Сингапурда қурилаётган шаҳарнинг номи «Сайнс хаб». Уни минтақадиги қатта компьютер тақдиротлари марказига айлантириш мўлжалланган. Лойиҳанинг қиймати уч миллиард АҚШ долларига тенг.

Малайзияда қурилаётган «Мультимедиа суперкорридор» номи «Технологик шаҳарча» лойиҳасининг қиймати йигирма миллиард доллар микдорига баҳоланмоқда. Куала-лумпур шаҳри ва аэропорт орасидида 40 километрик масофада, 750 гектар майдонда амалга оширилаётган қурилиш ишларини эса Малайзия Бош вазири Махатхир Мўхаммад шахсан назорат қилиб турибди.

Элмурод ЮНУСОВ. (ЎЗА).

КОЛУМБИЯ: РОҲИБАЛАР ОҚЛАНДИ

ТУНҲА шаҳри прокуратураси «Эль-топо» ибодатхонаси роҳибларини айбисиз деб топди. Терғовчилик ибодатхонага тушган ўғрини отиб ўлдирган бу икки роҳибга қотиллик қилгани йўқ, уларнинг ҳаракати ўз-ўзини ҳимоя қилишдир, деган ҳулосага келди.

налади — бир ерда ҳар 100 минг кишига 158та қотиллик тўғри келади. Дунёни бозқа бирор давлатида қотилликнинг бундай юқори кўрсаткичи кузатилган эмас. Масалан, Европада ҳар 100 минг кишига атиги иккита қотиллик тўғри келади.

дириши нафақат Жанубий Америкада, дунё миқёсида ҳам қутилганга воқеа бўлди, дейиш мумкин. Чунки, қоролли можазорлар авж олган Колумбияда ўлим даражаси кучайган бўлса-да, диндорлар орасида бундай ҳолат кузатилмаган эди. Лекин, улар бутунлай оқланди.

Колумбия 1994 йилдан буён аҳоли ўртасида қотиллик содир этилиши жиҳатидан Латин Америкаси давлатлари орасида пешкадади. Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг ўзида мамлакат бўйича 23133та қотиллик юз берган. Икки миллионлик Медельин шаҳри ана шундай жиноятларнинг макони са-

роҳибларнинг одам ўлдирдиши нафақат Жанубий Америкада, дунё миқёсида ҳам қутилганга воқеа бўлди, дейиш мумкин. Чунки, қоролли можазорлар авж олган Колумбияда ўлим даражаси кучайган бўлса-да, диндорлар орасида бундай ҳолат кузатилмаган эди. Лекин, улар бутунлай оқланди.

XX асрнинг сўнги юлдузлари ҚЎШИҚҚА АЙLANГАН Аёл



ҲИҚД гўзали Виянжантималиани севиб қолганимизда мактабда сабоқ олайтган болалар эдик. Кейин Хема Малини ҳаётимизга кириб келди. Мумтозини кўриб ақлимиз шошиб қолди. Уларнинг ижросидидаги фильмлари кўравериб ҳатто ёдлаб олгандик. Энг қизиги уларнинг ҳаммаси қўшиқни ҳам қойиллатиб айтишарди.

Билсак қўшиқларни бошқа истеъод соҳибаси айтаркан. Уша қўшиқни анча йиллардан кейин танидик. У бугунги кунда жаҳонга Хиндистон бўлбули деб доғруқ таратган олтин овоз эгаси Лата Мангешкар эди.

Эллик беш йил. Ун уч яшар қизалоқ. Шу икки сўз Латахонимнинг умрини ифода этиб туради десак тўғри бўлади. Ун уч ёшида кинога кириб келган Лата эллик беш йил санъат бағрида яшади. Хозир олтидан ошган бўлса ҳам овози ўша-ўша лафотли, ширали, тенги йўқ.

— Кўй, оғайни, бу шахтингдан қайт, — зўр бериб ўқидарди Садашиш Рао, — сенинг ахир энг қалдрон дўстингман-ку, нахотки сенга, фарзандингга бирор ёмонлик тиласам?! Ҳў, деқол.

Ажойиб қўшиқчи жаноб Динанатх Мангешкар бир дўстига, бир қизи Латага қаради. — Биламан, ошна. Фақат бир марта боради қизим ўша студиягга. Билиб қўй, бир марта.

Лата Васаяти Жарлалкарнинг «Кити Гаая» фильмида биринчи қўшиқни ижро этаганидан кейин бир ойна вақт ўтгач, ҳондоннинг бошига оғир қулақ тушди: отаси Динанатх Мангешкар тўсатдан вафот этди. Лата энди кетма-кет кинода суратга тушишга мажбур бўлди. Чунки у оиланинг каттаси эди. Сингиллари Аша, Ушалакарнинг энгил-боши, ош-овлати унинг зўр зўмай туз томай югурар эди. Лекин завқ-шаўқа тўлиб, қилаётган ишидан, энг муҳими пули тайинлигидан хурсанд эди.

Мабодо Лата Мангешкардан бугун «Эллик йилнингиз самарасиз кетмадимми?» деб

қондош, жондош опа-сингилларнинг орасига ҳам ниқоқ соладиған қўп. «Лата сен ҳақидада ундок дебди» ёки «Аша ўзини сендан устун қўйяпти» дегувчилар ҳам ҳануз муродларига етганлари йўқ. Аксинча, Лата сингиласи Ашани эъозлаб: «Аша ажойиб қўшиқлар ижро этади. Агар ўша қўшиқларни мен ижро этсам, ҳеч қачон шунақа жозибали айтолмасам керак. Ашанинг ўзига ҳо услуби, йўли бор», деб сингиласини алқайди.

Лата Мангешкар ўзи сингари буюк овоз соҳиблари билан бирга қўйлаган. Талбат Махмуд, Мўхаммад Рафи, Гулом Хайдар Мажруҳ, Навшод, Мукеш — бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин. Лата учун Рамачандра, Навшод, Шанкар Жайкиншием, С. Д. Бурган, Мадан-Махан, Чоудхури сингари бетамсол бастакорлар қўшиқ ёзишган.

Лата Мангешкар — юксак тақдирлар соҳибаси. У Падам Бхершан билан, Дадасохиб Фалке мукофоти билан

бўлишича, ёқилган жаҳад Шопрага кўда ҳам ўқшақ қашшоқ тиланчиники экан. Аджай Шопра эса чиндан ҳам бир ой оқласидан қочиб юрган, охири бунақа юриш жонига тоғиб, уинга қайтган экан.

Мабодо ўзбекистонликлар борғудек бўлса, «палов омин» деб ёзиб қўйишса керак-ов.

Темур Йўлдошев тайёрлади.

Кўргазма
РАСМЛАРДА
АЁЛ СИЙМОСИ

Ўзбекистон Бадий Академикаси марказий кўргазмалар залда «Янги юмлар» руқни остида истеъдодли мусаввир Зебохон Шариповнинг Аёллар йилга бағишланган ва «Хотирот» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг кейинги йилларда яратган ўттиздан зиёд энг яхши асарлари намойиш этилмоқда. Уларнинг асосий қисмида замондаш авлар сиймоси ўз ифодасини топган.

Болалигидан рассомликка ҳавас кўрган З. Шарипова Бухоро санъат билим юртини тугаллаб, Тошкент Давлат Санъат институтида тахсил олган. Бу ерда у танили иждоҳкор, Ўзбекистон халқ рассоми Невмат Қўзибоев раҳбарлигида касб маҳоратини оширган. У талабали йилларида рангасвир асарлари билан республикада ташиқ этилган кўллаб кўрик ва кўргазмаларда фаол қатнашган. Рассом асарлари пойтахтимиздаги хорижий давлатлар элчихоналарида ташиқ этилаётган кўллаб кўргазмаларда ҳам кенг намойиш этилмоқда. Бугунги шахсий кўргазмасини эса у онаси Турсуноя опа хотирасига бағишлади.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон Бадий Академикаси Раиси Т. Қўзиов сўзга чиқиб, ёш мусаввирнинг миллийлик барқ уяган турган асарларида шарқ аёлларининг сиймоси ўз аксини топа олганини, намойиш этилаётган барча расмлар ҳаёт билан ҳаммаҳонглигини таъкидлади.

М. ОДИЛОВА,
(ЎЗА)

ОДОБ доирасининг асосий унсурларидан бири муомала маданиятидир. Доно халқимиз, «Ақл ёшдан, одоб бошдан» дейди. Болаларни ёштан муомала маданиятига ўргатсак, бу кўнимка улар учун одат тусига кирди.

Болаларнинг яхши тарбиялинишилари ва яхши ўқишлари, фойдали ишлар билан шуғулланишлари, жамиятда ўз ўринларини топа билишлари, тили бийрон, сўзи ширин, дили покиза, муомаласи гўзал, обрўли инсонлар бўлиб етишиларида оналарнинг гамхўрлиги, ахлоқий ва маданий савияда уларга шахсан ибрат бўлишлари жуда катта аҳамиятга эга. Фарзанд тарбиясига эътибор билан қарайдиган ота сўкинмайди ва кесатмайди, она қаргамайди. Утиб кетган гапларни кўзгагиб, гина-қудрат қилмайди, ханжалли бирор гап қиқиб қолса, болалар уйда йўқ пайтда ётиши билан гаплашиб олишади. Бундай муҳитда ўсган болалар ҳам бир-бирларига нисбатан меҳр-муруват кўрсатишади.

Зарур юмуш билан танишминикига бордим. Кўнгирик тугмасини босишим билан оиланинг кенжа қизалоғи чиқиб, мени уйга тақлиф қилди. Дўстим ва ўғлининг қовоғи солиқ. Ўғлининг қилган иши отага ёқмагану, жигибийрон бўлиб, унга дакки бераётган экан. Мен билан салом-алиқ қилгач, ота ўз гапини келган жойидан давом эттирди:

— Бу ношуднинг қилган ишини қаранг, тўсинларнинг орасини бир метрдан қилиб қолдирибди. Бу ҳолда ёпилган том камқувват бўлишига ёш боланинг ҳам ақли етади-ку! Бўйи дароз бу хумларда зигирдек фахм-фаросат бўлмаса, қандоқ қилай? Қор-ёмғир ёғиши бор, ер кимирлаши мумкин, бир ишни қилсанг, пухта қил-да! Бўйга зеб бергунча, чумчўқ миянгни ишлатсанг бўлмайдими?

Ўғил меннинг олдимида шу даражада мулзаъм бўлдики, ер ёрилмадию, ерга кириб кетмади. Суриштириб билсам, «устага бериладиган пулни бошқа кам-кўстга ишлатинг, ошхонани ўзим қураман», деб қурилишга бел боғлаган ўғилнинг ҳаётидаги биринчи мустақил иши экан.

Бир фикр хаёлимни бутунлай банд этди. Шунча жўриш, камситиш, таъна-маломатдан кейин ўғилнинг қўли бошқа ишга борармикин? Муомала маданиятига эга бўлган, фарзанднинг шаъни-шавқатини юқори кўтарадиган ота ҳақда эрк бермай, ўғлининг ишини кузатиб: «Ҳорманг, усти, чармадингизми? Ўзингизни жуда уринтириб юборманг! Ўғлим, тўсинингиз сал ингинчароқ экан, иккита кўпроқ ишлатиб, эзирок

ПАНД ЭМАС,
ҚАНД БЕРИНГ

қўйсангиз, қандай бўларкин?» қабилида ёндашиши ҳам мумкин эди. Муомала маданияти инсоннинг қай даражада сўзлашишида намоён бўлади. Инсоннинг одоби, қобилияти, илими, истеъдоди, савияси ва дунёқараш унинг оғзидан чиқадиган сўзга қараб белгиланади-ку.

Пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи вассаллам «Ҳадис»ларида таъкидланишича, инсонга уч нарса ҳаром қилинган экан: инсоннинг қони, инсоннинг бойлиги ва инсоннинг кўнгли. Бегуноҳ инсоннинг қони тўқилса, қотил жуда оғир гуноҳга қолар экан. Инсоннинг мол-мулкни ёки бойлигини ўғирлаш гуноҳи азим. Бирор инсоннинг кўнглини сабабсиз қолдириш ёки дилини вайрон қилиш — қотиллик ёки ўғриллик билан баробар экан. Хушмуомала бўлиш ва ширинсўзлик маданий муомаланинг бир белгисидир. Хушмуомалалик, ширинсўзлик, очик ҳеч-ра, дилқашлик, ёқимтойлик қишиллар ўртасидаги бир-бирларига нисбатан ишиқ ва самимий муносабатни таъминлайди. Одамийлик, инсонийлик — жуда муътабар ва улуг фазилат.

Муомала маданиятига эга бўлган одобли кишларга хос фазилатлардан яна бири — унинг иши билан сўзининг бирлигидир. Киши сўзлашдан олдин ўйлаши, айтилиши лозим бўлган сўзни ақл тарозусида ўлчашни, унинг таъсири қан-

Дилдаги гаплар

дай бўлишини мулоҳаза қилиши лозим. «Тилга эътиборсизлик — элга эътиборсизлик», деган нақл бежиз айтилмаган. Сўзлаш маданиятини билиш, одамлар билан муомалада ҳар кимнинг ишига, жинсига, раъйига, дардига ва кайфиятига қараб сўзлаш — одоб доирасидан чиқмаслик демакдир. Айниқса, муассаса раҳбари, ўқитувчи ва шифокорларнинг сўзлаш одоби-риоя қилишлари уларнинг ҳурмати яна бир даража орттиради.

Маҳалламизда бир аёл бор, бирор билан гаплашганда сўзларига қарғиш қўшмаса, гаплари бир-биринга қовушмайди. У кичик ёшдаги болаларни сўйиб эркаласа: «Сен ўлгур, бунча ширинсан?», «Туркиганинг кургур, кўзларинг намунча қора!», «Вой тўсини ел ютсин, сен ҳам юриб кетдингми?» каби сўзларни ишлатади. Яқинда иттифоқо магазиндан нон олиб келаятган кенжа кизи билан бирга кайдик. Кўча эшик ёнида турган она ўчи кўриб «хўрлайиб»:

— Сен ер юттурга ётган нон ол десам, амманнинг бузоғидек бўлка нон кўтариб келаясанми? Буйгининг қабирстонлари обод қилгур, бўлка жигилдонимни кайнатиларини билардингку! — деди.

— Ётган нон йўқ экан, ойижон.
— Сен жувонмарг бир ишга қўл урдингми, бор нарсам ҳам йўқ бўлиб қолади. Ҳу, магазинга чиққан қадмларинг киркисин! — деб гасаб қилди.

Бундай муомаладан кейин қўзининг томоғидан бир қултум сўз ўтармикин? Ўзини зўрлаб дарс тайёрлашга ўтирсам, бирорта сўз унинг онигига жойлашармикин?

Хулоса қилиб айтганда, муомала маданияти инсоний қамолот белгисидир. Унда махрум одам ҳеч қачон етуқ инсон бўла олмайдди, одоб қўққисини эгаллаган инсонлар эса одамларга қанд, бу маданиятдан бебаҳра инсонлар панд едиради.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
олий тоифали муаллим.

Ибратнома

ДОВРУГНИНГ СИРИ

Ривоят қилишларича, қадим замондаги ёки шу замонда Мағриб томонда қўли гул бир уста бўлар экан. Уста шу қадар маҳоратли эканики, ҳар қандай буюм унинг қўлида гулдай эшилиб, товганиб кетар экан.

Устанинг уста бўлиб тилларга тушишига яна бир сабаб — унинг қамтарлиги экан. У қанчалик гўзал, қанчалик оғир ва кўп иш қилса ҳам ҳеч қачон: «мен шунақа қилдим, ҳақи палонча бўлади», демас, аксинча, қулиб: «истаганингизни берақолинг», дер экан. Баъзан битта нонга ҳам ўз махсулотларини сотаварар, келган харидорнинг сазасини қайтармас, шунинг учун ҳам унинг дўкони олдидан одам аримас экан. Баъзи одамлар унга: «бундай қилмагин, меҳнатинга яраша ҳақингни олгин, бўлмаса хонавайрон бўласан», дейишса, у қулиб: «дилдан чиқармай берган ўн тангандан, дилдан чиқариб берилган бир танга афзал ва берақолидир», деб жавоб бераар экан. Шу тариқа устанинг довруги анчагача тилларда достон бўлибди. Мана мен ҳам сизга унинг доврuginи айтиб бердим. Сиз ҳам кимгадур айтирарсиз. Улар эса яна кимларгадир. Шу боис ривоятим умири узу бўлишига умид боғлайдурман.

Қиссадан ҳисса: агар сен эл аро ҳурмат қозонмоқчи бўлсанг — қамтар бўл, шунда орзунига етасан. Айтишади-ку: «Камтарга қамол, манманга завол».

САДОКАТИ ЙЎҚ

Айтишларига қараганда, инсон туғилишдан олдин Оллоҳ-таолонинг буйругига қўра фаришталар унинг ҳаёти давомида бошдан кечирмиш воқеа-ҳодисаларни пешонасига ёзиб қўйишар экан.

Бир аёл фарзанд кўрайдиган бўлибди. Она қорнидаги боланинг ким бўлиб туғилиши, қандай инсон бўлиб етишиши ва ҳаётда нималар кутаётганини «тақдир пешонаси»га ёзмоқ учун фаришталар хозир бўлишибди. Улар бир-бир инсонларга хос бўлган хислатларни ёза бошладилар. Не бўлибди-ю, «қувноқлик» сўзини икки марта бола ёзибди, «садоқат» сўзини ёзиш ёлдиларидан қўтарилибди... Вақти-соати келиб, аёл ўғил қўрибди. Кун-ҳафта... ойлар кетидан йиллар ўтиб, бола воёга етибди. Буни қарантки, йигит келишган, роса қувноқ экан, аммо ёру-биродарларига, дўстларига садоқати йўқ, оқибатсиз бўлибди...



Шу сабабданми, қариялар дуо қилганда «Худо ақл бераётганда, ҳамма нарсасини қўшиб берсин», деган нақлни кўп ишлатишар экан.

Севдора ЛАТИПОВА.

Кўни кеча мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртурларида тест синови асосида қўлб имтиҳонлари бўлиб ўтди. Яна бир қанча мудат ўтгач, эзқко, билимдон талабалар институт, университет хоналарида тахсил олишни бошладилар. Аини пайтда эса ўрта махсус билим юртурлари

да имтиҳонлар бошланди. Тошкент ўрмон мелиоратив техникуми бу йил ўз бағрига қундузги ва сиртки бўлимларга 230 талабани қабул қилади. Суратларда: имтиҳон хонасида. Ўқитувчи Раъш Абдураимова она тилидан синови пайтда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



ПЕШҚАДАМЛАР
МАҒЛУБИЯТИ



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси саккинчи миллий чемпионатида иштирок этувчи олий табақа жамоалари кўни кеча иккинчи давранинг иккинчи тур учрашувларини ўтказдилар.

Чемпионат пешқадами «Самарқанд»нинг Янгйера майдон эгаларига қарши тўп суриб ўйини бой бериб қўйган турнинг қутилмаган воқеаси бўлди. Жадвалда энг сўнги ўринни эгаллаб турган «Янгйер» жамоаси шу кўни пешқадамга қарши шиддатли хужум эълон қилди. Кетма-кет уюштирилган хужумлар ўз самарасини берди. Улар учрашувнинг саксон туртинчи дақиқасига қариб дарвозасига 3та жавобсиз тўп киритиб 3:0 ҳисобида йирик галабани қўлга киритаётган эдилар. Ўйиннинг сўнги дақиқаларидаги на пешқадам битта жавоб тўпини киритиб ҳисобни 3:1га ўзгартирди. Жадвалда иккинчи ўринни эгаллаб турган вилотиямизнинг «Дўстлик» жамоаси бу сарфар Наманганда «Навбахор» меҳмонлари бўлиб, Учрашув бошидан оқ хар икки жамоа ўйинчилари майдонда фаол ҳаракат қилиб фахат галаба учун майдонга тушганиларини муҳлисларга намоян қилдилар. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда «Дўстлик» ташаббуси ўз қўлига олди. Афсуски, бир неча бор яратилган имкониятлардан унумли фойдалана олмади. Шундан сўнг майдон эгалари иккинчи бўлимининг ўттизинчи дақиқасида меҳмонлар дарвозаси то-

даҳисиллиги сақланиб қолди. 0:0. Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси ўз майдонда Қаршининг «Насаф» жамоасини қабул қилиб 1:0 ҳисобида галаба қозонди. Бу турда «Пахтакор» «Анджон» учрашуви қизиқарли ўтди. Ўйиннинг 36-дақиқасида Игорь Шквирин ҳисобни очган бўлса, қирик биринчи ва қирик туртинчи дақиқаларда «Анджон» хужумчиси Бахтиёр Ҳамидуллаев кетма-кет икки марта «Пахтакор» дарвозасига тўп киритиб ҳисобни 2:1 қилиб ўз жамоаси фойдасига ўзгартирди. Иккинчи бўлимининг бошида майдон эгалари яна хужумга зўр бердилар. Бу самара берди. Азамат Абдураимова ва Ҳимоячи Александр Ҳвастунов жонбозлик кўрсатиб рақиблар дарвозасига иккита тўп киритишга муваффақ бўлидилар ва ҳисобни 3:2 қилиб ўз жамоаларини олдинга олиб чиқдилар. Ўйиннинг сўнги дақиқаларида фаол ўйнаган меҳмонлар майдон эгалари дарвозасига яна бир тўп киритиб ҳисобни 3:3 қилиб ўзгартирдилар. Ўйин 3:3 ҳисобида дуранг бўлиб якунланди. «Темирийўли» ўз майдонда Тошкентнинг «Трактор» жамоасини қабул қилиб 3:2 ҳисобида галаба қозонди.

Навбатдаги тур учрашувлари 14 август кўни ўтказилди. Унда «Дўстлик» «Темирийўли»ни қабул қилса, «Самарқанд» Урганча «Хоразм»га қарши майдонда галаба қозонди. Тальят ЮСУПОВ.

Кулгига
НИМА
ЕТСИН

МАСЛАҲАТ

Икки дўст учрашиб, бири иккинчисига деди:
— Юрининг бошқача, кийимларинг ҳам пўрим. Ҳозир ким бўлиб ишлагансан?
— Кўча сотувчисиман!
— Ундай бўлса, «Наққош-лик» кўчаси неча сўм туради?
— Сен менинг гапимга тушунмадинг. Мен кўчада мол сотаман, уқдингни?
— Кўчада сотувчиман демайсанми. Сен ўзингни қийнаб эрталабдан кечгача кўчада мол сотма. Тонгорта, тахминан соат 4ларда молнинг етаклаб, тўғри Учкўрғон бозорига олиб бориб сотсанг, эрталабки но-нуштага ўйингга қайтиб келасан. Вақтдан ютасан, дўстим, вақтдан.

ДУМСИЗ БЎЛАДИМИ?

«ОВЧИ» уюмчаси аъзолари бугун яхши ов бўлади деб бир ерга йиғилишди. «Овдан қайтишда яна шу ерга тўпганим, ким нима овлади, менга айтиб кетишлар шарт», — деди уюшма раиси.
Овчилар тарқалишди. Фанишер билан Туробларнинг ови юришмай, тайинланган жойга қайтиб келишди. Йўлда Фанишер:
— Сени ёлгон гапириб юбориш одатинг бор, шунинг учун ҳам сенга олдиндан айтиб қўйя: мабодо ёлгон гапиришни бошласанг, ёнингга ўтириб, оғни туртаман. Ушанда сен ёлгон гапиришни тўхта тасан, уқдингни? Бош-лигимиз янги одам, биз ҳақимизда унда ёмон фикр тугилмасин, — деди Туробга.
Кеч кирди, овчилар йиғилишди. Улар бир-ма-бир ўз ўлжолари ҳақида бошлиққа маълу-

мот бердилар. Гал Фанишер билан Туробга келди. Туроб ўрнидан турди:
— Бизлар бир тулкини уриб, ағдардик, унинг думи бир қулочдан зиёдароқ. Фанишер Туробни туртди. Туроб унгайсиз-ланиб, деди:
— Ҳа, энди, бир ярим метр келиб қолар. Фанишер яна туртди.
— Ҳа энди, бир метрга яқин бўлса керак. Фанишер яна туртди.
— Энди мен сизга айтсам, ярим метрга бормаоёв.
Фанишер уни қаттиқроқ туртди. Туроб Фанишерга юзланар экан:
— Нахотки тулкининг думи бўлмайди, галварс? — деди.

Маҳкам КҮЧҚОРОВ.

Қизик
ҚАЛАМУШААР ХАВФИ

Санкт-Петербургда одатлашдан ача катта қуларинг қаламушлар шунақалик қўлибди кетганики, ҳатто улар шавқарга ҳавф, аҳлини даҳшатга солмақда.
Ҳатто одамларга хужум қилишдан ҳам тортинмайпти. Уларга қарши кўраш сўйсайиб кетганилиги учун тобора сурбеллашиб кетмоқда. Шавқарга қаламушларнинг хужуми давом этмоқда. Бу жуда хийнатга тушиши мумкин. Уларнинг сони эса тез қўлайиб борипти. Хозир тахминан 400 мингга етган. «Труд» гезетаси шу ҳақда ёзади.

«СОХТА ТАБИЪ»ЛАР ЧЕГАРАДАН ҲОЛМАДИ

«Қўлбола табиъ» Ҳақим Таробий ҳақидаги мумтоз хикояни кўпчилигимиз адабиёт дарсликлари орқали яхши биламиз. Уша табиъ ҳар гал қабристон ёнидан юзини яшириб ўтган экан. Одамлар бунинг сабабини сўрашганда у: «Бу ерда ёлгон марҳумларнинг қўлчилиги менинг «муолажа» тўфайли ажжларидан бурун бандаликни бажо келтиришган. Шунинг учун қабристон ёнидан ўтганда улардан уялиб, юзимни яшираман», дер экан.
Божхона ходимлари гоҳида ана шундай сохта тижоратчи табиъларга ҳам дуч келишади. Масалан, яқинда айланма йўлдан пибда келаётган икки нафар йўловчини боғхона назоратидан ўтказдилар. Маълум бўлишича, фуқаролар А. Юсулов ва М. Хушвақтова ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний равишда жами 3400 идишда «Канаканинги сульфат» дорисин олиб ўтишгаётган экан. Қонунга қўра дорини дармон воситаларини ҳисмоний шахслар, устига устак ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб жириш тақиқланади.
Бундан улар бебаҳар эдимиз? Йўқ, яхши билишади. Шу-

Божхона бекати

нинг учун ҳам улар қонун талабларини айланма йўл орқали «айланиб» ўтишга уринганлар. Тегилши тибий маълумоти йўқ шахсларнинг дори-дармон билан савдо қилишларининг сабаби нима? Қандай йўл билан бўлса-да, мумай даромад топиш.
«Сохта табиъ»лар қўлчилилари учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 182-моддаси, 1-қисмининг «А» бандида қўрсатилган жиноят аломатларини содир этганиларни тўфайли жавобгарликка тортидилар.

ЗАМОНАВИЙ «АРШИН-МОЛ-ОЛОН»

Вилот божхона бошқармасига қарашли «Зах» кўча божхона пости ходимлари томонидан «Фишт-кўприк» божхона мажмуаси атрофидаги айланма йўлда Қозғигистонга чиқиб кетаётган «ГАЗ-2411» русумли автоулов тўхталиб, божхона кўригини да ўтказилганда, турли хилдаги саркам 1000 метр газламалар олиб чиқилиётганлиги аниқланди ва тўхтаиб қолинди.
Республикамиз фуқароси А. Солиқов бу матоларни «Отчолар» бозоридан 142.000 сўмга сотди ва олиган тилан олди. Аммо божхона ходимларининг «Бектемир» бозоридан юқоридаги ма-

толар бўйича олган маълумотномага қўра, уларнинг умумий нархи 259.400 сўмни ташкил этиши аён бўлибди.

Маъмур ҳолат бўйича суриштирув ишлари олиб бориломқда.

«ЭЙ СОРБОН, ОХИСТА ЮР...»

Тўғри, одатда дала-даштда мол боқилади. Аммо қорамоллар шовганча чегара томонга ҳайдаб кетилаётган бўлса-чи? Бу албатта, ҳаммада шубҳа уйғотади.

«Зах» кўча божхона пости ходимлари айланма йўлдан қорамол ҳайдаб бораётган Т. Абдувоҳиддан неча шошаётганини сўраганларида, у гапни «айлантира бошлади».

Божхона текширувида маълум бўлишича, умумий нархи 1.200.000 сўмлик 12 бош қорамол ноқонуний равишда айланма йўлдан олиб чиқиб кетилаётган экан.
Ушбу ҳолат юзасидан ҳам суриштирув ишлари олиб бориломқда.

Ботир ҲУСАНБОВ,
вилот божхона бошқармаси матбуот маркази ходими.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан ҳабар қилишларича, 11-15 август кунлари пойтахтимизда ва Тошкент вилотида об-ҳаво ўзгариб турсада ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечалари 15-20, кундуз кунлари эса 30-35 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Маълумоти:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими:
133-40-48
Эълолар:
133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.